Ушбу сонда:
2 ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ ГАВҲАР
3 ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ-ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ
4 ЛАПАР ВА ЎЛАН ФЕСТИВАЛИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 13 июл, чоршанба № 110 (1951)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИ АСОСИДА

***Ҳозирда Тошкент вилоятида хориж инвестицияси жалб қилинган 169 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда ўтган беш ойда бажарилган хизматлар ҳажми 49,1 миллиард сўмни ташкил этди.***

Таъкидлаш жоизки, бу борада вилоятда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён хориж инвестицияси киритилган еттита корхона рўйхатга олинди. Оҳангарон туманида туркиялик ҳамкорлар билан гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Янги ҳаёт», Зангиота туманида нидерландияликлар билан ҳамкорликда трактор ишлаб чиқарувчи «Гидравлика», Бўстонлиқ туманида британияликлар билан ҳамкорликда шиша ишлаб чиқарувчи «Шиша идиш» корхоналари шулар жумласидан ҳисобланади.

Хориж инвестицияси киритилган корхоналарнинг экспорт ҳажми 37,5 миллион доллардан иборат бўлиб, вилоят умумий экспортидаги улуши 13,1 фоизни ташкил этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***12 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Мўминов ахборот берди. Мазкур ҳужжатлар юзасидан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Депутатлар муҳокама жараёнида тушган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**(ЎзА)**



Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Қувасой шаҳрида бугунги кунда беш юзга яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай фермерлардан бири Мирожиддин Маражабов бўлади. У «Илёсиддин-МБА» фермер хўжалигининг раҳбари. Бу йил 26 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. 20 гектар ердаги ғалладан мўл ҳосил олди. 68 тонна сара дон етиштириб, унинг 41 тоннасини давлатга сотди.

Бундан ташқари, 1,5 гектар майдондаги шафтолизорнинг баракаси кутилганидек бўлди. Шу кунларда далада ишлар янада қизиб кетган. Такрорий экинларни экиш ниҳоясига етмоқда. Фермер буғдой ўрнига картошка экиб, 30 тонна ҳосил олишни режалаштирган. 2,5 гектар ердаги кунгабоқар ҳосили бугун-эрта йиғиштириб олинади.

**Суратда: Қувасой шаҳар Арсиф ширкат хўжалигининг «Илёсиддин-МБА» фермер хўжалиги раҳбари Мирожиддин Маражабов.**

## ЧЎПОН

***Коровулбозор кенгликлари... Туя ўркачли қирадирлар, адоқсиз қумликлар тандирдек қизиган. Осмонда олов пуркаётган қуёш тафтига бардош беролмай, жонзот зоти соя излайди.***

Ҳа, чўпоннинг меҳнати қиш қаҳратони ва ёз жазирамасида анчайин машаққатли кечади. Оловли яйловларда саҳро тўфонлари, қум кўчкиларига бардош бериб, қўй-қўзи боқаётган Соли Қурбоновнинг чўпон таёғини қабул қилганига 17 йилдан ошди.

Дала-даштлар бўйлаб ёвшан тупларининг ажиб бир ҳиди таралади. Янтоқ ва карраклар гуллай бошлаган. С.Қурбонов боқувди. Чўпонликнинг қувончу ташвишларини Оловли, Самаро, Пўстиндўз, Испанди, Шосувор, Оқпоя каби яйловларини кезиб, эл-юрт чорвасини кўпайтираётган фидойилар яхши билишади.

Бултур тармоқдан олинган 327 миллион сўм даромаднинг 76 миллион сўмини соф фойда ташкил этади. Жорий йилда умумий даромад 402 миллион, соф фойда 100 миллион сўмдан ошиши кутил-

*Орамиздаги одамлар*

-даги 316 бош совлиқнинг ҳар юзидан 110 тадан қўзи олиб, бир отардан икки отар яратди. Шартномада белгиланганидек 62 та қўзи чўпоннинг ўзида қолди.

– Ташкил топганига 30 йилдан ошган жамоамиз ислоҳотлар йўлидан бориб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқда, – дейди «Қоровулбозор» қоракўлчилик ширкат хўжалиги раиси Баҳриддин Исматов. – Жорий йилнинг ўзида туёқ сонини 10 фоизга ошириб, майда молларни 46 минг бошга етказдик. 20 минг 636 бош совлиқдан 21 минг 370 та қўзи олиниб, 86 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Аҳил ва иноқ хўжалик мутахассислари Самарқанддаги Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда моллар зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, Бухоронинг қадимда машҳур бўлган қоракўл терилари, шуҳратини тиклаш йўлида ҳалол меҳнат қилаяптилар.

Испанди кенгликларида қўй боқаётган Панжи Холиқов отаридаги 500 бош совлиқнинг ҳар юзидан 118 тадан қўзи олиб, 70 фоиз қўзини ўстиришга қолдирди. Фидойи меҳнати эвазига «Нексия» автомашинаси билан мукофотланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Туроб Муродов 22 йилдан буён Шосувор яйловида мол боқади. Моҳир қўйчивоннинг яна бир ҳамкасби Илҳом Ҳасанов ҳам қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлаб, эндиликда қишлов учун озуқа жамғаришга киришмоқда. Ширкат аъзоларига ҳар йили 16-17 миллион сўм дивидент тарқатилаяпти. Даромадга қараб буромад, деганларидек, чўпончўлиқларга мингдан ортиқ қўзи, 2 миллион сўм мукофот пули берилди. Илғор чорвадор Зокир Бўриев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Чўпон меҳнатининг баҳоси етиштирган маҳсулоти билан ўлчанади. Қоракўл терининг сур, шерози, кумушранг тусли сур, олмос тусли навлари жаҳон бозорида ҳамиша харидоргир. Қоракўлчилик бирлашмаси бошлиғи Неъмат Матризаевнинг таъкидлашича, вилоят бўйича подадаги совлиқлар сони 120 минг бошдан оширилади. Вилоятнинг «Олот», «Жонгелди», «Қоракўл», «Қизилравон», «Қоровулбозор», «Кўкча», «Ғалаба», «Амир Темур» номли хўжаликларида чорвадорларга ғамхўрлик яхшиланмоқда. Чўпон уйлари таъмирланиб, дон, гуруч, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, мактаб ўқувчилари дарсликлари ва ўқув қуроллари билан таъминланаяпти. Қишлоқ жойларига ичимлик суви, электр энергияси ва газ келтирилган. Тиббий пунктлар ишлаб турибди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Биргина «Қоровулбозор» ширкат хўжалигини 105 минг гектарлик серўт яйловларидан 15 минг гектари Қарши чўли зовурларидан чиққан оқова сув остида қолган. Шу боис қўй боқиладиган ҳудудлардан сизот сувларини чиқариш учун зарур чоралар кўриш пайти аллақачон етиб келган.

**ЁЛҚИН**

*Ўзбекистон - мустақил мамлакат*

## ЖАВОБИ ТОПИЛМАЁТГАН САВОЛЛАР

Дарҳақиқат, сиёсатга қизиқмасликнинг иложи йўқ экан. Газетага ҳеч қачон мақола ёзмаганман, тўғрисини айтсам, ҳар доим бунинг фойдаси йўқ - менинг, яъни оддий одамнинг фикри кимга ҳам керак, деб ўйлардим. Лекин бу гал чидаб тура олмадим, ёзишга қарор қилдим, чунки ортиқ жим туриб бўлмайди. Куни-кеча Лондонда содир этилган портлашлар, улар қанчалик даҳшатли бўлмасин, балки охир-оқибатда, ўзим яшаётган мамлакатдан, уйим, оиламдан йироқда, дунёнинг бирон-бир бурчагида террорчилик мавжуд, лекин бунинг шахсан менга ҳеч қандай дахли йўқ, деб ҳисоблаган ва ҳисоблайдиган айрим Ғарб сиёсатчиларининг кўзини очиши керак, деб ўйлайман. Энди улар ушбу масалага икки хил стандарт мезони бўйича ёндашиладиган бўлса, бутун дунёда одамларнинг ҳаёти хавф остида қолишини тушуниб етсалар, ажаб эмас.

Очиғини айтсам, аслида ўтган ҳафта, Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқини ўқиганимдан кейин қўлимга қалам олмоқчи эдим. Билмадим - кимга қанақа, лекин бу нутқ менга ёқди. Ҳозирги замонда ҳамма нарсани рўй-рост ва аниқ қилиб ифодалашга ҳар кимнинг ҳам журъати етмайди. Биз, шу минтақада яшаётган одамлар, террор балоси нима эканини бошқаларга нисбатан яхшироқ биламиз. Тошкентда портлашлар рўй берган эди, май ойида эса Андижонда мудҳиш фожиа содир этилди.

Ҳозир замон ўзгарди, бутун дунё террор деган даҳшатли балога дуч келди. Бугун курраи заминда тинч аҳоли вакиллари террорчилар қўлида ҳалок бўлмаган давлат топилмаса керак. Шуни барча англаб етиши керакки, ушбу муаммони биргаликда, бутун дунё давлатлари ҳамкорлигида ҳал қилиш вақти келди.

Шу боис улкан салоҳиятга эга давлатларни бирлаштирган ва ўз олдига террорчиликка қарши курашни мақсад қилиб қўйган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти оддий одамлар қалбида XXI аср балосига қарши тура олишимиз ҳақида умид уйғотади. Бироқ бунинг учун бирлашиш лозим. Энг асосийси, бунга айрим мамлакатлар юритаётган «икки хил стандарт» сиёсати тўсқинлик қилиши мумкин. Ўша давлатлар шаклу шамоили бир хил жиноятларни баъзан, ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда террорчилик, баъзан эса, «тинч» намойиш, деб атамоқда. Шак-шубҳасиз, Лондонда содир этилган даҳшатли террорчилик хуружларини ҳам барча сиёсатчилар, ҳурфикрли инсонлар қоралайди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, бу террор деб аталган битта занжирнинг ҳалқаларидир. Лондондан анча олисдаги Андижонда ҳам айнан мана шундай террорчилар ҳаракат қилган эди. Лекин Англиянинг баъзи бир узоқни кўра билмайдиган сиёсатчилари бундай ёвуз кучларга бепарволик билан қараб, террорчиликнинг бутун дунёга ёйилишига кенг йўл очиб бермоқда.

Мен кекса одамман. Бир пайтлар Нью-Йоркда қора танлилар яшайдиган туманда исён кўтарилгани ва маҳаллий ҳокимият уни бостириш учун ҳеч иккиланмасдан геттога бомба ёғдиргани ҳам эсимда. Ўшанда бегуноҳ фуқаролар, болалар, хотин-қизлар ҳалок бўлган эди. Лекин ўшанда бу хатти-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қораланмади. Бундан демак, суверен давлат ўзининг «ички душманлари»га қарши қандай жазо қўллашини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга экан. У ҳолда, Америкага ўзи каби суверен давлатларнинг ички муаммоларига аралашиш ҳуқуқини ким берди?

Мен саммитда қабул қилинган хорижий ҳарбийларни ШҲТ мамлакатлари ҳудудидаги аэродромларда сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириш тўғрисидаги баёнот бўйича ҳам фикр билдирмоқчиман. Менимча, бунда Қарши яқинидаги бизнинг «Хонобод» аэродромимиз ҳам назарда тутилмоқда. Мен ҳам бошқалар каби юртимизда бундай базанинг пайдо бўлишини ўз вақтида қўллаб-қувватлаганман. Ҳеч кимга сир эмаски, 2001 йилда Афғонистон томондан турли тоифадаги террорчилар ҳудудимизга суқилиб кирарди ва уларнинг «ўқув марказлари» ҳам айнан ўша мамлакатда жойлашган эди. Толиблар Ўзбекистонга қуролли босқинчиликни амалга оширишни очиқдан-очиқ айтишарди. Таҳликали эди у кунлар. Шундан сўнг мамлакатимиз Америка ҳарбий-ҳаво кучларига Афғонистон шимолида қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун «Хонобод» аэродромини берди ва шу тариқа антитеррор операциясига баҳоликудрат ўз ҳиссасини қўшди.

Айни пайтда эса, америкаликларнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, Афғонистондаги ҳарбий операцияларнинг фаол босқичи ниҳоясига етди, мамлакатда ҳаёт изга тушмоқда, ҳукумат ва президент сайланди. Шу маънода, «Хонобод» аэродромидан фойдаланишга уларда эҳтиёж ҳам қолмади.

Америка ҳарбийлари, оммавий ахборот воситаларидан маълум бўлишича, наркотрафикни камайтиришга ҳам таъсир кўрсатмас экан, негаки, бу уларнинг иши эмас эмиш. Ваҳоланки, наркотиклар террорчилик озиқланадиган молиявий манба ҳисобланади. Афғонистон дунёдаги асосий кўкнори етиштириладиган ҳудуд бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, бу борада самолётлардан ҳеч қандай наф йўқ.

Шу тариқа ўз-ўзидан табиий савол туғилади: АҚШ ҳарбий контингенти Хонободдаги авиабазани нима учун банд этиб турибди? Бу ерда Америка ҳарбийлари қандай вазифани бажармоқда? Агар бу АҚШнинг аллақандай геосиёсий манфаатлари билан боғлиқ бўлса, унинг бизга, Ўзбекистонда яшаётган одамларга нима дахли бор?

Дарвоқе, яқинда газетада Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун ахборотини ўқидим. Унда Америка томони аэродромдан фойдаланиш, самолётларнинг парвозини ташкил этиш борасидаги Ўзбекистоннинг сарф-харажатларини қопламаётгани баён этилган. Шундай экан, уларни ўз ҳисобимиздан боқишнинг нима кераги бор? Ёки америкалик ҳарбийлар «палончига салом бердинг - қирқ танга товон бердинг» тамойили бўйича яшамоқдами?

Яна бир оддий инсоний муаммо бор. Аэродромга бевосита яқин жойларда яшайдиган қаршиликлар бу ерда хорижий ҳарбийлар юзага келтираётган бир талай ноқулайликлардан арз қилмоқда. Булар-оғир ҳарбий Америка самолётларининг чидаб бўлмайдиган шовқини, йўлларнинг тўсиб қўйилиши сабабли одамларнинг айланма йўллардан юришига тўғри келаётгани ва бошқа муаммолардир.

Эҳтимол, бу саволларнинг жавоби ҳукуматимизнинг юқори мансабдор кишиларига маълумдир. Шундай бўлса, улар жавоб бера қолсин. Аминманки, бу саволлар нафақат мени, балки кўплаб бошқа юртдошларимизни ҳам ўйлантириб келмоқда.

**Назрулло ҲАМРОЕВ,**
(«Народное слово» газетаси, 2005 йил 12 июл).

## ҲАР ИШНИНГ ЎЗ МАВРИДИ БОР

***Шу кунларда ҳамманинг оғзида бир гап – юртдошларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона шаҳридаги саммити натижаларини кенг муҳокама қилмоқдалар. Кўча-кўйда, тўй-маъракада, телевидение ва радиода, марказий рўзномалару вилоят ва туман газеталарида ҳам худди шу мавзу етакчи ўринда турибди.***

Бу бежиз эмас. Негаки, аввало, мамлакатимиз жойлашган минтақада манфаатлари уйғун ва муштарак бир неча давлат ўзаро бирлашиб, бутун дунё кўз ўнгида тобора муайян мавқе ва обрўэътиборга, таъбир жоиз бўлса, таъсир кучига эга бўлиб бораётган ягона минтақавий ташкилот барпо этди ҳамда ушбу ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликни дадил ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, шунингдек, дунёнинг манаман деган давлатлар қаторида турган Россия ва Хитой раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашувига тўплангани, саммит ишида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этгани, учрашув якунида муҳим ҳужжатлар имзолангани билан боғлиқ воқеаларга, албатта, кишиларимиз бефарқ эмас.

Табиийки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари имзолаган Декларацияда Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларида вақтинча жойлаштирилган Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг тегишли иштирокчилари ўз ҳарбий базаларини сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириши зарурлиги қайд этилгани ҳам жамоатчилигимиз эътиборига тушди.

Бир неча йилдан буён америкалик ҳарбийлар ихтиёрига бериб қўйилган «Хонобод» аэродроми яқинидаги қишлоқларда яшаётган юзлаб-минглаб ҳамюртларимизни айнан шу масала бугунги кунда кўпроқ қизиқтиради, десам янглишмаган бўламан. Тўғри, бу ўринда халқимизнинг ҳаловатсиз дамларини, айниқса, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда, террорчи тўдалар бостириб киришга бир неча бор уринган Фарғона водийсида истиқомат қиладиган кишиларимиз бошдан кечирган ташвишли ва таҳликали кунларни эсга олмаслик ноинсофликдир.

Ўша кезларда Афғонистон чегарасига яқин ҳудудда деҳқончилик қиладиган сурхондарёлик бир ҳамкасбим шундай воқеани сўзлаб берганди. Зарур юмуш билан туман марказида юрган фермер тасодифан ўзига қарашли далага толиблар томонидан отилган дайди снарядлар келиб тушганидан хабар топади. Аксига олиб, ўша куни терим бошланган, ҳамма пахтазорда эди. Шошиб даласига келган деҳқон не кўз билан кўрсинки, хўжалик аъзолари тинч-хотиржам снаряд портлаши тафтида бодроқдек очилган пахталарни кимўзарга тераётган экан...

(Давоми 2-бетда)

*«Ишонч» фош этади*

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни изчил давом этмоқда. Паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди ва айлантирилмоқда. Натижада уларнинг хўжалик юритиш механизми ҳамда молиявий жиҳатида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳаёт кўрсатмоқдаки, мулкдорлар синфининг истиқболли вакили - фермер қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъектга айланиб бораётир.***

## СОХТА ФЕРМЕР

### ислоҳот йўлига ғов

Фермер хўжалигининг ҳуқуқий мақоми "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун, фермер хўжалигининг намунавий Устави ҳамда "2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Президент Фармонида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Фуқаролик кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу йил Бухоро вилояти ғаллакорлари ажойиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар мамлакатда биринчи бўлиб зафар қучишди. Эришилган муваффақиятда фермерларнинг муносиб ҳиссаси бор. Қаранг, етиштирилган ялпи ҳосилнинг 70 фоизи улар ҳисобига тўғри келади. Омилкор, ташаббускор кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли вилоятда ғаллачилик сердаромад тармоққа айланмоқда. Бу йил соҳадан 7,1 миллиард сўм соф фойда олиниши кутилмоқда.

Афсуски, оз бўлсада шундай тадбиркорлар ҳам учрамоқдаки, улар бебаҳо бойлик - ернинг умрини зое ўтказиб ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта зарар етказмоқдалар. Кимлардир ижарага берилган ерлардан мақсадли фойдаланмаяпти. Уларга хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш аро йўлда қолмоқда. Мисол учун, Жондор тумани ҳокимининг қарори билан "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳудудида "Ўзбекистон равнақи" фермер хўжалиги ташкил этилди. Унга 11,6 гектар ер ажратиб берилди. 2004 йил майида туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини 30 йил муддатга ижарага бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Демак, тадбиркор катта имкониятга эга бўлди. У ишончни оқлаш, ўзига яратилган имкониятдан унумли фойдаланиш учун бор кучини ишга солиши лозим эди. Бахтга қарши бундай бўлиб чиқмади. Фермер В. Қўзиев амаллаб ерни қўлга киритай, буёғи бир гап бўлар, қабилида иш юритган экан. У пахта ва ғалла етиштиришнинг ўзига хос томонларини билмаслиги, боз устига ер билан тиллаша олмаслиги, ҳал қилувчи дамларда ташкилотчилик, қатъиятлик кўрсата билмаганлиги туфайли иш олдинга босмади. Омилкор кишилар вақтдан унумли фойдаланиш, шахсий хўжаликка тажрибакорларни, мутахассисларни жалб этиш ҳақида маслаҳат беришганида ҳам у ўз билганидан қолмади. Натижада ғалвир сувдан кўтарилганда В.Қўзиев ноқулай аҳволда қолди. 2002 йилда 43,7 тонна ўрнига 13,2 тонна пахта топширди холос.

Ўтган йили эса ҳосилдорлик янада пасайди. Режа 28,3 фоизда қолиб кетди. Ушбу хўжалик билан тайёрловчи ташкилот - "Яккатут" масъулияти чекланган жамият ўртасида дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси имзоланганди. Унга асосан фермер хўжалиги 10 тонна дон етказиб бериши керак эди. Бепарволик, масъулиятсизлик шу даражага бордики, фермер бир қарич ерга ҳам дон экмади. Ерни шудгорлаш, ўғитлаш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари вақтида бажарилмаганлиги сабабли кучсизланиб қолди. Ўзаро суҳбат жараёнида тадбиркорнинг ҳуқуқий билими саёзлиги, зиммасидаги мажбурият ҳиссини чуқур ҳис қилмаслиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ер участкасидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда унга бўлган ҳуқуқлар бекор қилиниши ўз аксини топган. Туман ҳокими ва "Ўзбекистон равнақи" шахсий хўжалиги ўртасида тузилган шартномага кўра, ижарага олувчи ердан белгиланган мақсадда фойдаланмаганда, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганда, ердан самарасиз фойдаланилганда, замин экологик ҳолати ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда шартнома бекор қилиниши кўрсатиб ўтилган. Шуларни инобатга олиб Жондор туман ҳокимлиги вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномани муддатидан олдин бекор қилишни сўради.

Суд даъвогар талабини асосли деб топди ва уни қаноатлантирди. Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжалиги контрактация шартномаси бўйича маҳсулот топширмаган, меъёрий ҳужжатлар талабини қўпол равишда бузган. Кўринадики, ўз имкониятини била туриб, таваккалига иш юритган сохта фермер ернинг умрини зое ўтказиб тараққиётга тўғаноқ бўлди. Юртбошимиз уқтириб ўтганидек, фермер бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизаторлик ҳам қилади, табелчи-ю, иқтисодчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазифаларини ҳам бажаради. Қўлидан иш келмайдиган учар кимсаларни эса ҳаёт хас-чўпдек четга суриб ташлайди. Фақат эссиз вақт, эссиз шунча ернинг умри зое кетгани, дейсиз холос.

**Н.ЖАЛОЛОВ,**
**Бухоро вилояти хўжалик суди судьяси**

# ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ ГАВҲАР

***Навоий вилояти мамлакатимизнинг энг йирик ҳудудий минтақаларидан бири бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасидан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳудудининг асосий қисми Қизилқум саҳросига тўғри келади.***

Ғарбда Қорақалпоғистон, шимолда Қозоғистон, жанубда Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош. Воҳада обҳаётни бекиёс қадрлашади. Чунки уни сув билан ягона Зарафшон дарёси таъминлайди. Дамхўжа-Навоий-Бухоро канали йирик ирригация иншоотларидан ҳисобланади.

Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида йирик саноат корхоналари жойлашган. Навоий, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа туманлари деҳқончилик минтақаси бўлиб, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Томди, Конимех, Нурота ва Учқудуқ туманларида минглаб қоракўл қўйлар, қимматбаҳо жун берадиган эчкилар, туя ва йилқилар парвариш қилинмоқда.

Ер усти ва ер ости бойликларининг улкан ва ноёб захиралари жой олган саховатли заминда юздан ортиқ фойдали қазилма конлари аниқланган. Олтин, кумуш, уран, вольфрам, норуда, кимёвий хомашёлар, мармар, фосфорит, гранит ва бошқа нодир бойликлар шулар жумласидандир.

Вилоят сифатида гарчи ёш бўлса ҳам, чўл бағридаги кўҳна воҳа узоқ тарихга эга. Кармана шаҳри, Малик, Нурота сингари қадим манзиллар, Тошмасжид, Чилустун, Кўкгумбаз, Қосим шайх, Мирзачорбоғ ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар ўрин олган.

Воҳада фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» бирлашмалари, «Зарафшон-Ньюмонт», «Электрохимзавод», «Нуротамармар», «Агама» қўшма корхоналари мамлакатимиз саноатининг қон томири. «Навоий-Султон Увайс-Нукус» темир йўли, Учқудуқдаги халқаро аэропорт мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилиш йўлида хизмат қилмоқда.

Қизилқум олтини аъло сифати билан бутун дунёга машҳур. Бундан беш йил муқаддам Токио биржаси ўзбек олтинига сифат сертификати бериб, уни олтин эталони, яъни бутун дунё бўйича тилла сифатини баҳолашнинг мезони қилиб белгилади.

Оғир чўл шароитида тобланган, кўп миллатли аҳил меҳнат жамоалари мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металларнинг 69 фоизи, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда.

«Қизилқумцемент» заводида 2 мингдан ортиқ, «Навоийазот»да 10 мингдан зиёд, кон металлургия комбинати тизимида 53 минг нафар турли миллат вакиллари ягона оила фарзандларидек меҳнат қилишаяпти. Уларнинг тарих синовларидан ўтган дўстлиги ва қардошлиги, тотувлиги жамиятимизда барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш омилига айланган.

«Навоийазот» корхонаси бош механигининг ўринбосари Ҳамид Ҳасановнинг тақдири улкан корхона билан боғланган. Ўттиз йилдан зиёд бир соҳада ишлаётган бу фидойи инсон цехларни технологик янгилаш, ишлаб чиқариш графикларига қатъий амал қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бешинчи цех раҳбари М.Хушманов, катта уста Қ.Уринов, слесар Р.Бекназаров, электр пайвандчи В.Воҳидов, таъмирловчи П.Шленинлар ҳам катта ҳаёт йўлини босиб ўтган фахрийлардир.

Юртбошимиз халқ депутат-




лари вилоят кенгашининг 2002 йил 31 май куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёларни кўпроқ ва кенгроқ ишлатиш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш сингари долзарб вазифаларни қўйган эди. Иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётган навоийликлар бугунги кунда 55 та хорижий мамлакатга маҳсулот жўнатмоқда. Йилнинг ҳар чорагида 134-135 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Вилоятда 832 та, шу жумладан, 25 та йирик корхона ишлаб турибди. Воҳадаги 352 мингга яқин меҳнат ресурсларининг 48,5 фоизи саноат корхоналарига жойлашган. 11 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. 3 мингдан зиёд деҳқон-фермер хўжаликларида 165 минг киши меҳнат қилмоқда.

Вилоят ғаллакорлари 4 минг 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 45 центнердан ҳосил олиб, омборларга 77 минг тоннадан ортиқ дон тўкдилар. Ўтган йилдагига қараганда 23 минг тоннадан кўп ҳосил саранжомлаб олинди. Айниқса, Қизилтепа туманидаги Раъно Валиева раҳбарлик қилаётган «Валиобод» фермер хўжалиги ғаллакорлари юқори кўрсаткичга эришдилар. Кармана туманидан Ўктам Каримов бошлиқ «Алпомиш», Хатирчидаги Шоназар Қаршиев раҳбарлик қилаётган «Эсон Қаршиев», навбаҳорлик Ёри Аҳмедов бошқараётган «Муслим Мадаминов» фермер хўжаликлари ғаллачиликдан катта фойда олдилар. Воҳада пилла етиштириш режаси ҳам биринчилар қаторида уддаланди.

Кенг ва серўт яйловлар чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай шароит яратади. Йил бўйи дашту саҳро кезиб, қиш қаҳратони, ёз жазирамасига бардош бериб эл маъмурчилиги йўлида жасорат кўрсатаётган чўпон-чўлиқлар меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. 1 миллион 400 мингдан ортиқ қўй-қўзини меҳр билан парваришлаётган яйлов баҳодирлари ҳар йили 240-250 минг донадан кўпроқ қоракўл тери тайёрлаб, 60 фоизини хорижга экспорт қилмоқдалар.

«Сарибел» ширкат хўжалигидан Серик Кукенов, Файзулла Хўжаевдан Усмон Ражабов, «Қизилча»дан Акмал Жуманазаров, «Қизилқум»дан К.Султонов, «Конимех»дан А.Қошқарбеков, Жабай Валимановдан Ғ.Абдиев каби чорвадорлар ҳар йили бир отардан икки отар яратиб, юрт чорвасини кўпайтиришяпти.

Қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилаяпти. Бугунги кунда вилоят марказидан 60 километр олисда жойлашган Муротада табиий газ ёниб турибди. Конимех ва Томди чорвадорлари тоза ичимлик суви ҳамда табиий газдан фойдаланишяпти. Зарафшон шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминловчи 220 километрли ирригация тармоғи қуриб фойдаланишга топширилди. Ўртачўл ҳудудини ўзлаштиришни жадаллаштириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш чоралари кўрилаяпти.

Сиҳат-саломатлик йилида аҳолига 47 та касалхона, 225 та поликлиника ва кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатмоқда. Бу муассасаларда ишлаётган 2256 нафар врач, 8606 нафар ўрта тиббиёт ходимлари эл соғлигини сақлаш учун камарбаста. Қишлоқ мактаблари, касб-ҳунар коллежларини қуриш ва таъмирлаш ишларига эътибор кучайтирилган. «Фарҳод», «Ширин», «Олтин водий», «Замондош», «Кончи» маданият саройлари, «Дельфин», «Прогресс», «Қурувчи» спорт мажмуалари, «Суғдиёна», «Химик» ўйингоҳлари, ўнлаб бадиий ҳаваскорлик дасталари фуқаролар бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилаяпти.

Вилоят маркази - Навоий шаҳри мустақиллик йилларида янада чирой очиб, гўзаллашди. Яна бир кўҳна маскан Кармана шаҳрининг қадимий шуҳратини тиклаш, тарихий обидаларни таъмирлаш, маданий-маиший, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида хайрли ишлар бошлаб юборилган.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ҲАР ИШНИНГ ЎЗ МАВРИДИ БОР

**(Боши 1-бетда)**

Айтмоқчиманки, аслида, халқимиз – азалдан меҳнаткаш ва тинчликсевар. Айниқса, истиқлол шарофати билан ўзлигини таниб, мулк эгаси, юрт эгаси, ўз тақдири, бугуни ва истиқболининг тўлақонли соҳиби эканини ҳис этган ўзбекистонликлар янада кўтаринки кайфиятда тинч меҳнат ва бунёдкорлик жабҳасида жавлон урдилар.

Буни кўролмаган қора ниятли кучлар борҳо қутқуга зўр берди. Афғонистонда ҳокимиятни қўлга киритган толибларнинг чегара яқинида, Ҳайратон кўприги теварагида турли найранглари кучайди. Халқаро террорчилар Сариосиё ва Бурчмулла тоғлари, шунингдек, Қирғизистоннинг Боткен тумани орқали юртимизга суқилиб киришга, халқимизнинг тинч-осойишта турмушини заҳарлашга урингани ҳали ҳам ёдимизда.

Шундай бир пайтда, 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда террорчилар томонидан содир этилган ваҳшиёна хуружлар дунё аҳлининг, аввало американикларнинг кўзини мошдек очди. Дунёда халқаро террор нақадар аёвсиз куч эканини, Афғонистон кун сайин улкан таҳдид ва хавф-хатар ўчоғига айланиб бораётганини тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг дунё минбарларидан неча бор янграган даъватлари ниҳоят жаҳон жамоатчилигининг онгу шуурига етиб борди.

Шундан сўнг жаҳон бўйлаб халқаро террорчиликка қарши кураш жабҳаси бошланди. Дунёнинг етакчи давлатлари ташаббуси асосида ташкил этилган Афғонистон бўйича антитеррор коалицияси фаолиятида мамлакатимиз фаол иштирок этди. Афғонистоннинг мамлакатимизга яқин ҳудудларида жанговар операциялар ўтказиш чоғида қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун имконият яратиш мақсадида 2001 йилнинг кузида АҚШга «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш учун рухсат берилди.

Кези келганда, мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу қарорини кенг жамоатчилик қатори биз, «Хонобод» атрофида яшовчи қишлоқлар аҳли ҳам қўллаб-қувватлаганимизни алоҳида эслатишни истардим. Ўтган давр воқеалари бу қатъий чора ўзини тўла оқлаганини кўрсатди. Антитеррор коалиция кучларининг жанговар амалиётлари кутилганидек самара беришида, халқаро террорчиларнинг ҳарбий полигонлари ва базаларини, шунингдек, Афғонистон шимолида ўрнашиб олган толибларнинг асосий кучларини яксон этишда бизнинг «Хонобод» аэродроми муҳим ўрин тутди.

Мана, американикларнинг ўзлари ҳарбий амалиётларнинг фаол қисми ниҳоясига етгани ҳақида баёнотлар берганига ҳам икки ярим йилдан ошяпти. Демак, эндиликда «Хонобод» аэродромидан бундай мақсадларда фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга эмаслиги кундек равшан. Мазкур аэродром теварагида ва Афғонистон чегарасига яқин жойларда яшайдиган аксарият юртдошларимизни анчадан буён қатор муаммолар ўйлантириб келмоқда.

Хўш, модомики Афғонистонда ҳукумат, Президент сайлови бўлиб ўтган, мамлакатда аллақачон барқарорлик ўрнатилган, халқ тинч ҳаётга ва тикланиш ишларига қатъий киришган бўлса, антитеррор ҳаракатларининг жўшқин палласида фойдаланилган Қаршидаги аэродромнинг ҳозирги аҳамияти нимада?

Рости, Афғонистон шимолида ҳарбий амалиётлар ўтказиш билан бевосита боғлиқ ҳолатлар барҳам топган экан, американиклар ушбу аэродромни яна қандай мақсадлар учун ўз ихтиёрида сақлаб тургани, бундан кўзланган мақсад-муддао нима эканини тушуниш қийин. Айниқса, Андижондаги нохуш воқеалар атрофида ахборот хуружи авжига чиққан кунлари хорижий оммавий ахборот воситалари бу ҳолатни шу қадар кўп ва хил-ма-хил талқин этганидан сўнг кишини ўйлов босар экан.

Шундай кезларда Президентимизнинг кейинги пайтларда рўй берган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг фақат айрим қирраларигина намоён бўлди, деган сўзлари беихтиёр эсга тушади.

АҚШ мамлакатимизнинг «Хонобод» аэродромини қўриқлаш, ундан фойдаланиш борасидаги қўшимча харажатларини, ўз ҳаво кемаларининг аэродром ҳудудида учиб-қўнишини амалга ошириш бўйича тўловларни қопламаётгани янада ғалати. Боз устига, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари юртимиз экологиясига етказилган зарар ва аҳоли турмушида юзага келган ноқулайликлар туфайли ҳеч қандай компенсация тўловларини амалга оширмаяпти.

Ваҳоланки, неча йиллардан буён кечаю-кундуз, қишин-ёзин ҳарбий самолётларнинг тинимсиз учиб-қўнавериши оқибатида биз яшаб турган ҳудудда ҳаво, тупроқ, сув ифлосланмоқда, атроф-муҳит зарар кўрмоқда. Ям-яшил экин майдонлари қовжираб, яйдоқ чўлга айланаяпти. Сигир-бузоқ, қўй-қўзиларимиз ўтлайдиган аэродром атрофидаги яйловлар яроқсизланаётир. Бундан қанчалаб фермерларнинг ишига зиён етиб, даромади камаймоқда.

Энг ачинарлиси, ҳар гал ҳарбий самолётлар бошимиз устидан учиб ўтар экан, уйларимизнинг шифти қисирлаб, дераза ойналари зириллайди, кексаларнинг асаби қақшайди, бешикдаги чақалоқларимизнинг уйқуси бузилади.

«Хонобод»да жойлашган АҚШ қуролли кучлари контингенти ҳарбийларига уммон ортидан самолётларда мунтазам келиб турган озиқ-овқатлар, дори-дармонлар, бошқа ҳаётий зарур нарсалар чиқиндилари ҳисобига еримизда ортиқча ахлатхоналар пайдо бўлди. Турли чиқитлар, айниқса, муддати ўтгач ташлаб юборилган дори-дармонлардан ахлатхонага адашиб бориб қолган мол-ҳолларимиз заҳарланмоқда.

«Ҳар ишнинг ўз мавриди бор», дейди халқимиз. Американикларнинг тилида бу мақолнинг қандай муқобили мавжуд эканини билмадим. Билганим шуки, «Хонобод» аэродроми атрофидаги аччиқ муаммоларни очиқ ҳал этиш фурсати аллақачон етган.

АҚШ қуролли кучлари контингентининг ушбу аэродромда келгусида туриши билан боғлиқ аниқ муддатларни белгилаш масаласи юзасидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Декларациясида баён этилган даъват эса ўта асосли ва долзарб, деган фикрдаман.

**Тойир ҚИЛИЧЕВ**

# ҚЎШМА КОРХОНА — ХОРИЖ ИШОНЧИ

***Жондор туманидаги "Евроснар" Ўзбек-Америка қўшма корхонасида пахта ва писта ёғини қуйишга мўлжалланган янги автоматик линия ўрнатилди. Ҳозиргача 27 тоннадан зиёд ёғ маҳсулоти полиэтилен шишаларга қуйилди, — деб маълумот берди корхона директори У.Нарзиев "Туркистон-пресс" мухбирига.***

*Йил бошидан буён қўшма корхонада 50 тоннадан зиёдроқ кунгабоқар ёғи, 569 тонна пахта ёғи, шунингдек кунжара ва шелуха ишлаб чиқарилди. Бунга ўтган йилнинг октябрида корхонада Жондор, Бухоро, Қоровулбозор туманлари аҳолиси ва фермер хўжаликлари томонидан етказиб бериладиган пахта чигитини қайта ишлаш цехи ташкил этилганидан сўнг эришилди. Қўшма корхона томонидан ҳаммаси бўлиб 298 тонна кунгабоқар уруғи сотиб олинди ва унинг каттагина қисми қайта ишланди. Олинган кунгабоқар ёғининг 70 тоннага яқини "Ўзёғмойтамакисаноат" уюшмасига, 140 тоннага яқин уруғ "Бухоро-парранда" акциядорлик жамиятига берилди.*

«Қувасойконсерва» заводи 1986 йил ишга туширилса-да кўп ўтмай техника ва технологиялар эскириб, янги асбоб-ускуналар олиб келинмаганлиги сабабли инқирозга учради. Энди уни ночор аҳволдан олиб чиқиш учун чет эл сармоясини жалб қилиш керак бўлиб қолди. 2001 йил хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган «Делконс» Ўзбекистон-Америка-Италия қўшма корхонаси ташкил этилди. Конвейердан бир-биридан мазали «MAESTRO» шарбатларию томат пасталари чиқа бошлади. Айни пайтда қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар четга ҳам экспорт қилиняпти.



***Суратларда: лаборант Адиба Умрзоқова; ишчи Абдушукур Йўлдошев.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## Маҳалланг — отанг-онанг

***Мирзаобод туманидаги «Оқ олтин» фуқаролар йиғини аҳолиси маҳалла маслаҳатчисини сайлашда анча ўйга толишди. Маҳаллада зиёли, билимдон, кўпни кўрган одамлар кўп. Аммо улар орасидан маърифат ва маънавият, ахлоқий-тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчиликни эплайдиган кишини ажратиб олиш осон бўлмади. Ва ниҳоят, кўпни кўрган кексалар тажрибали муаллима Робия Қамбаровани кўрсатишди.***

# ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

5000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда кўпчилик кўнглини топиш осонмас. Аммо Робия ҳамқишлоқлари сўзини синдирмади. Масъулиятли вазифани зиммага олишдан ўзини олиб қочмади. Маҳалладаги энг фаол аёлларни атрофга жамлашга интилди.

– Вазифамиз кўлами кенг. Энг аввало, ўзим диний ва дунёвий билимлардан қониқиш ҳосил қилишим даркор, – дейди Қамбарова. – Мана бир йилдирки, эл ишончини оқлашга ҳаракат қилиб келяпман.

Маҳалланинг ўзига хос муаммолари ҳам йўқ эмас. Айниқса, аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда маслаҳатчининг ўрни бекиёс. Аёл қалби сирли сандиқ. Унга ҳамма ҳам кириб боравермайди. Робия ана шу чертилмаган торлар оҳангини топишга интилади. Маслаҳатчи мадади, тавсияси билан уйда ўтириб қолган ўнлаб аёллар ўз иш ўринларини топишди. Одамлар кўнглига йўл топишда маслаҳатчига кўп йиллик мураббийлик фаолияти қўл келяпти.

Собиқ ўқувчилардан бири хонадонидаги нотинчлик маслаҳатчи кўнглини ғаш қилиб юрарди. Ичкиликка мойиллиги бор бу йигит норасида гўдакларига зуғум ўтказаётганидан хабар топди. Бир куни тонг саҳар шу хонадонга ташриф буюрди. Нонуштада бирга ўтирди. Болаларга зимдан назар солиб, ўзини ҳеч нарсани сезмаётгандек тутди. Хонадон соҳибларидаги хижолатни пайқамаганга олди. Ҳаммасидан ҳам рўзғорбоши шолғомдек қизарди. Дастурхонга фотиҳадан сўнг эр-хотин қўйнига қўл солди. Суҳбат айланиб топиш-тутишга, уни сарфлашга тақалди. Эр аёл уқувсизлигидан, хотин эса рўзғорбоши ичкиликбозлигидан нолиди. Суҳбат тизгинини қўлга олган Робия опа уларнинг бир-бирига узукка кўз қўйгандек мослигини, фақат ҳамфикрлик етишмаётганлигини ётиғи билан уқтирди. Болалар олдидаги масъулиятни ёдга солди. Кўп ўтмасдан оилавий муҳит тамомила ўзгарди. Эр оиласи ташвишлари билан яшашга ўрганди. Рўзғорга барака кирди.

Тиниб-тинчимас аёл янгиликка ўч. Оқсоқол билан кенгашиб, маҳалла марказидан тикувчилик цехи очиш ташкилотчиларидан бири бўлди. Бу ерда аҳоли буюртмасини бажариш билан бир пайтда қизларга ҳунар ҳам ўргатиб келинаётир. Айни чоғда қишлоқдаги ўн нафар тикувчиликка ихлос қўйган қизлар таҳсил олмоқда.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Касаба уюшма етакчилари

# НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА

***Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бу йил 850 гектар майдондаги ғаллани йиғиштириб олди. Пудратчилар шартнома мажбуриятидан ортган хирмоннинг янада салмоқли, манфаатдорлик юқорироқ бўлиши учун ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда деҳқонлар эрта тонгдан ярим кечагача дала юмушлари билан банд бўлдилар. Касабақўм транспорт хизмати, ичимлик суви, зарур жойларда иссиқ овқат ташкил қилди, қўл меҳнатини енгиллатиш учун ҳамма чора-тадбирларни қўллади.***

1997 йилдан буён касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётган Акрам Тоиров ҳар доим ишни хўжалик бошқаруви раиси Раҳмонали Норов билан бамаслаҳат ҳал этади.

Ҳар куни кечқурун даладан уйларига қайтаётган кишиларнинг юз-кўзларига разм солсангиз, енгил чарчоқ билан бирга ҳаётдан мамнунлик ифодасини кўрасиз. Ҳамма ўз қадрдон гўшаси томон ошиқади. Ички йўллар асфальт қилинган, кўчалар тунги ёритгичлар билан чароғон, 1735 та хонадонда яшовчи кекса-ёшнинг ҳаммаси табиий газ ва ичимлик сувдан баҳраманд. Қишлоқ маркази йилдан-йилга кўркамлашиб бормоқда. Қишлоқ врачлик амбулаторийлари, мактаблар яхши таъмирланган. Бу йил марказда яна битта замонавий амбулатория қурилиши режалаштирилган. 2 та болалар боғчасида болалар учун барча шароитлар яратилган. Бошқарув ва касабақўмнинг қўшма йиғилишида ҳар доим ойлик маошларини вақтида тўлаб бориш, болалар боғчаларидаги аҳвол, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш масалалари муҳокама қилинади.

Кам таъминланган оилалардан 19 таси рўйхатга олинган. Ўтган йили уларга хўжалик ҳисобидан 647 минг сўмлик, касаба уюшма маблағидан 106 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу йил ҳам 8 март, Наврўз байрамларида, 9 май кунлари уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Кейинги вақтларда ўз меҳнати билан одамлар эътиборини қозонган кишиларга ҳам ҳурмат кўрсатилмоқда. Ўтган йили деҳқончилик мавсуми охирида 86 нафар пудратчи Самарқандга бепул саёҳатга бориб келган бўлса, пудратчи Жамолиддин Ҳаққуловга «Ботаника» санаторийсида даволаниш учун бепул йўлланма берилди.

Бу йил ҳам меҳнаткашларни санаторийларга кўпроқ юбориш, пахта терими мавсуми олдидан Самарқанд, Бухоро, Зангиота зиёратгоҳлари ва тарихий обидаларга саёҳатга юздан ортиқ деҳқонларни олиб бориш кўзда тутилаяпти. Бунинг учун зарур бўладиган маблағ масаласи ҳал этилган.

Кечқурунлари далаларда баракали меҳнат қилиб келган ёшлар қишлоқ марказидаги стадионга ошиқади. Маҳаллалараро бўладиган футбол, волейбол, шахмат-шашка мусобақаларига пухта тайёргарлик кўриш учун ёшлар бу ерга йиғилади. Стадион яқинда таъмирланган, яхши ҳолатда. Касабақўм ёшлар учун 86 минг сўмлик спорт формалари олиб берди. Яқин кунларда яна 150 минг сўмга турли хил анжомлар олинади.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Газета аралашуви билан

### КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

**Таҳририятимизга Дўстлик туманидаги «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Азиза Холбековадан шикоят хати келди. Унда оиланинг кам таъминланганлиги таъкидланиб, ёрдам сўраб мурожаат қилинганди.**

Шикоят хатини ўрганиш жараёнида А.Холбекованинг турмуш ўртоғи Суннат Холбеков 2005 йил 1 февралдан бошлаб «Бобур-1» фермер хўжалигида шартнома асосида ишчи бўлиб ишлаб келаётганлиги, қарамоғида пенсионер Б.Холбекова борлиги, уларнинг ойлик даромади кам эканлиги аниқланди. Газета аралашуви билан фуқаро С.Холбеков туман ҳокимлиги ва қишлоқ фуқаролар йиғини қарорлари билан электр энергияси ҳамда табиий газ тўловларидан озод қилинди. Шунингдек, оилага қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан июл ойидан бошлаб 3 ой давомида 35.100 сўм миқдорида моддий ёрдам тайинланди.

Пенсионер Болбуви Холбекова туман ҳокимлигининг ёрдами билан марказий касалхона кўз касалликлари бўлимида ташхисдан ўтказилиб, операция қилинди. А.Холбекованинг мактаб ёшидаги фарзандлари учун янги ўқув йилида бепул дарсликлар билан таъминлаш ҳақида халқ таълими бўлимига тегишли кўрсатмалар берилди.

### САФАР ХАРАЖАТЛАРИ ТЎЛАНДИ

**Зарбдор туманидаги «Бўстон» қўрғонида истиқомат қилувчи Наталья Муҳаммадиева номидан келган мактубда шундай дейилган:**

«Мен туман марказий касалхонасининг «Бўстон» бўлимида врач-педиатр бўлиб ишлайман. 2004 йилнинг 15 апрелидан 25 майигача Тошкент шаҳрида врачлар малакасини ошириш курсида ўқидим. Қарийб 1,5 ойлик сафар ҳужжатларини марказий касалхона маъмуриятига тақдим этдим. Лекин, мана бир йилдан ошаяпти ҳамки, сафар харажатларини ололмаяпман».

Газета аралашуви билан Н.Муҳаммадиеванинг талаби қондирилди. Унга 101 минг 10 сўм миқдоридаги сафар харажатлари шифохона ҳисобидан тўланди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### Маҳаллий хомашё негизида

***Ҳозирги кунда республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш амалга оширилмоқда. Ушбу дастурни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилган. Унга асосан тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналар 5 йил муддатга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича даромад (фойда), мулк ва ягона солиқлар тўлашдан озод этилган.***

# ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМТИЁЗ

## маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берди

Ушбу дастур асосида иш олиб бораётган Андижон шаҳридаги механика корхонасида темирйўлчиларга нефт маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган темир йўл цистерналари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг январ-март ойлари мобайнида истеъмолчиларга 11 та ана шундай цистерна етказиб берилди. Бунинг учун корхонага 1-чорак якуни бўйича фойда солиғидан 2 миллион 471 минг сўм, мулк солиғидан эса 14 миллион 206 минг сўм миқдорида имтиёз берилган.

Асака шаҳридаги «Меридиан» хусусий корхонаси «ЎзДЭУавто»га бутловчи буюмлар, яъни енгил автомобиллар юқори ён томон кронштейнларини ишлаб чиқармоқда. Йилнинг 1-чораги давомида корхона томонидан 32 минг дона ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилган ва истеъмолчига етказиб берилган. Мазкур корхона солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтказилган бўлиб, 1-чоракда ягона солиқдан 5 миллион 542,2 минг сўм иқтисод қилди.

Дастур лойиҳасига киритилган Хонобод шаҳридаги «Хонбуғда» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида уй-рўзғор маиший буюмлари (телевизор, кир ювиш машиналари, музлаткич ва бошқа электр жиҳозлар) ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ҳозирда ушбу мақсадлар учун банк кредитларини жалб қилиш ва тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Хуллас, маҳаллий хомашёлар негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан имтиёзлар берилгани маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконини бермоқда.

**Х.ҲОЖИАКБАРОВ**

### Спорт оламида

## МУСОБАҚАГА ҚИЗИҚИШ ҒОЯТДА КАТТА

Туркиянинг "Формула-1" "Гран-Присига чет эллардан 120 минг томошабин келиши кутилмоқда. Истамбул шаҳридаги меҳмонхоналарга эса бор-йўғи 80 мингга яқин меҳмонларни жойлаштириш мумкин. Туризм мавсумининг энг қизғин палласида ўтказиладиган бу мусобақага ташриф буюрган пойга ишқибозлари учун жой етишмаслиги аниқ. Шу сабабли Туркиянинг маданият ва туризм вазирлиги бу муаммони ҳал қилиш учун пойтахт аҳолисидан хонадонларни ижарага олишни режалаштирди.

Мусобақа пайтида 2005 йилги жаҳон чемпионатининг 14-босқич беллашувлари ҳам ўтказилади.

*Волейбол*

## БРАЗИЛИЯ - ЖАҲОН ЛИГАСИДА

Волейбол бўйича олимпиада ва жаҳон чемпионлари—бразилиялик волейболчилар жаҳон лигаси мусобақасининг биринчи финал раундида Сербия ва Черногория волейболчиларини 25-21, 23- 25, 26-24, 25-21 ҳисобида мағлуб этди. Мусобақа ғолибларига миллион доллар маблағ ажратилган.

*Шоҳмот*

## ПЕШҚАДАМ УЧЛИК

Германиянинг Дортмунд шаҳрида ўтказилаётган йирик шоҳмот турнирида 10 та кучли гроссмейстер ўзаро баҳс юритмоқда. Куни кеча учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Англиялик гроссмейстер Майкл Адамс голландиялик Люк ван Велига ютқазиб қўйди. Германиялик Аркадий Найдич эса кутилмаганда венгриялик Петер Лекони мағлуб этди. Классик шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони Владимир Крамник болгариялик Веселин Топаловни мағлуб этиб ўз очколарини 1,5 тага етказиб олди.

Уч турдан сўнг Аркадий Найдич, Петер Хайни Нильсен, Люк ван Вели иккитадан очко тўплаб, биринчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Майкл Адамс, Владимир Крамник, Петер Леко, Эмил Сутовский, Пётр Свидлер 1,5 тадан очко тўплаб тўртинчи ва саккизинчи ўринларни банд этишган. Рейтинг бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлган болгариялик гроссмейстер Веселин Топаловда бир очко бор ва у тўққизинчи ўринни банд этган. Франциялик шоҳмотчи Этьенн Бакро бор-йўғи ярим очко тўплаб сўнгги ўринни эгаллаб турибди.

*Футбол*

## АНДРЕЙ ШЕВЧЕНКО "ЧЕЛСИ"ГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Украина терма жамоаси ва "Милан" клуби ҳужумчиси Андрей Шевченко учун "Челси" раҳбарияти 60 миллион фунт стерлинг таклиф қилдилар. Ўтган ойда "Челси" Шевченко учун 57 миллион фунт стерлинг тўлашга рози эди. "Челси" раҳбарияти украиналик ҳужумчи ва клуб хўжайини Роман Абрамович дўстона муносабатлари Шевченконинг тез кунда Лондонга ўтишини таъминлайди, деб ҳисоблашмоқда.

## ВАНДЕРЛЕЙ ЛУШЕМБУРГО БАРЧА ТУРНИРЛАРДА ҒОЛИБ ЧИҚМОҚЧИ

Мадриднинг "Реал" жамоаси ҳозирги кунда янги мавсумга тайёргарликни Лас-Росас шаҳарчасида ўтказмоқда. Жамоа бош мураббийи Вандерлей Лушембурго сўзларига қараганда яқин ўртада улар мавсум оралиғидаги биринчи учрашувни ўтказиш учун жўнаб кетадилар. "Реал" ўз таркибига янги ўйинчиларни қабул қилиш мақсадида ҳам изланишларни давом эттирмоқда.

«Мен Карлос Диегони "Ливер Плейт" жамоасида ўйнаганидан бери биламан. У жуда ёш, кучли ва жамоа учун муҳим ўйинчи бўла олади. Пабло Гарсияни эса "Осасуна" жамоасида кўрган эдим. У жуда кучли характерга эга. Мен жамоадаги ҳар бир ўйинчи фақат бир нарса ҳақида ўйлашини хоҳлайман. Шу сабабли "Реал" таркибини энг кучли таркиб қилиб тўпламоқчиман ва улар барча турнирларда ғалаба қозонишларига ишонаман», деб хабар қилади "Реал"нинг расмий сайти.

**Т.ЮСУПОВ тайёрлади**

Тошкент вилоятида ўқувчиларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Айни кунларда Бўстонлиқ ва Оҳангарондаги тоғли ҳудудларда жойлашган ёзги оромгоҳлар болалар билан гавжум. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли «Тонг», «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг «Орзу» соғломлаштириш оромгоҳлари иккинчи босқичга ҳам 460 нафардан ўқувчи қабул қилди. «Меҳрибонлик» оромгоҳи мавсумда тўрт сменада ишлаб 800 нафар ўқувчини ўз бағрига олади. Шаҳар ташқарисидаги бундай сўлим оромгоҳларда ёз бўйи жами ўттиз минг нафардан ортиқроқ ўқувчи ҳордиқ чиқариши мўлжалланган.

## СЎЛИМ ГЎШАЛАР БАҒРИДА

Айни пайтда ўнлаб мактаблар қошида ҳам соғломлаштириш оромгоҳлари ишлаб турибди.

Ангрен шаҳрида ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш мақсадида замонавий касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айни кунларда шаҳардаги тўққизта ана шундай ҳунар маскани қошида соғломлаштириш оромгоҳлари очилди.

- Сўнгги уч-тўрт йил мобайнида қад ростлаган замонавий касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкам. Бу масканларда билим олиш билан бирга турли спорт мусобақалари ўтказиш, қизиқарли тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш, ахборот-компьютер техник воситаларидан фойдаланиш имкониятлари катта эканини ҳисобга олиб, ана шу коллежлар билан шартнома асосида бу йил илк бор улар базасида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этдик, - дейди вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг Ангрен шаҳар вакиллиги раҳбари Тоғай Юсупов. - Бу оромгоҳларга ҳар босқичда юз нафардан, жами 500 нафар бола жалб этилмоқда. Уларда таътилни кўнгилдагидай ва мароқли ўтказиш учун барча шароит муҳайё.

Дам олувчилар ўзлари қизиққан тўгараклар машғулотларида қатнашмоқда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган кўчма кутубхона ҳам болалар хизматида.

## УНУТИЛМАС ОНЛАР

***Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтининг байрамона безатилган ҳовлиси эрта тонгданоқ қўлларида гуллар тутган битирувчилар, ота-оналар ҳамда устозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда битирувчиларга бакалавр ва магистр дипломлари топшириш маросими ўтказилди.***

– 2004-2005 ўқув йилида мазкур институтнинг кундузги ва сиртқи бўлимларини 455 нафар бакалавр ва 38 нафар магистр тамомлади, - дейди кадрлар ва ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Муҳаббат Ҳамидова. – Иномжон Камолиддинов, Музаффар Жамолов, Содиқжон Раҳмонов, Ольга Шаповалова каби ўнлаб ёшларимиз имтиёзли диплом эгалари бўлдилар. Уларнинг қалбларида бир олам ҳаяжон. Катта умид ва ишонч билан мустақил ҳаётга илк қадамни ташладилар.

***Суратда: битирувчилар Эркиной Азимова, Гулсанам Холдарова, Ҳуррият Акбарова.***

**Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**



# СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

## ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРГА ЖЎШҚИНЛИК БАХШ ЭТМОҚДА

***Охунбобоев номидаги болалар оромгоҳи Шаҳрисабз туманидаги хушҳаво Лолистон қишлоғида жойлашган. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашига қарашли мазкур оромгоҳда бу йилги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини намунали ўтказиш борасида қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ёзги таътил давомида 4 навбатда 1040 нафар педагог ходимлар фарзандларини дам олдириш режалаштирилган.***

Энг аввало, оромгоҳни мавсумолди тайёрлаш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлашга катта эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ҳисобидан 4 миллион сўм маблағ ажратилиб, барча асосий ва ёрдамчи бинолар, спорт иншоотлари, ошхона, душ, чўмилиш ҳавзаси ва ўйин майдончалари сифатли таъмирдан чиқарилди. Тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши томонидан эса 2 миллион 200 минг сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар харид қилинди. Эрта баҳорда оромгоҳ ҳудудига 500 туп мевали, 1500 туп манзарали дарахт, 200 туп сосна, арча ҳамда турли гул кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, етарлича дори-дармонлар, дезинфекцияловчи ва ювувчи кимёвий воситалар, тиббиёт ва гигиена хонаси жиҳозлари, қўл ювиш мосламалари билан тўлиқ таъминланди.

Дам олиш масканида биринчи навбатда 265 нафар ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқарган бўлса, ҳозирда 509 нафар педагог ходимлар фарзандларининг иккинчи навбат дам олишлари давом этмоқда. Болажонларнинг яйраб ором олишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Теварак-атрофдаги озодалик ва батартибликдан кўз қувонади. Ётоқхоналар тоза чойшаблар билан таъминланган. Туман савдо ташкилотлари, тайёрлов идоралари ва хўжаликлар билан тузилган шартномавий келишувларга асосан сифатли озиқ-овқатлар, нон, мева-сабзавотлар, гўшт-сут маҳсулотлари узлуксиз равишда етказиб берилмоқда.

– Биз, энг аввало, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож соҳа вакиллари болаларини дам олдиришга асосий эътиборни қаратдик. Вақти-вақти билан уларнинг аҳволидан хабар олиб, совға-саломлар улашяпмиз. Шунингдек, келажагимиз эгалари маънавиятини ўстириш ниятида оромгоҳ кутубхонасига 400 дан зиёд болалар адабиётларини совға қилдик, - дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши раиси Шодмон Кубаев.

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш мақсадида маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга кенг эътибор қаратилмоқда. «Маънавият ва маърифат» хонаси буюк аждодларимиз ҳаётини акс эттирувчи китоблар, сиёсий адабиётлар ва газета-журналлар билан бойитилган. 1000 дона китоб фондига эга кутубхона фаолият кўрсатяпти. «Давлатимиз рамзлари - фахримиз», «Билимдонлар синови», «Биз табиатнинг бир бўлаги», «Ойбек - 100 ёшда» каби мавзулардаги кеча ва давра суҳбатлари болажонларда катта таассурот уйғотмоқда. Улар ўзлари қизиққан санъат тўгаракларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишаётир. Болалар томонидан яратилган ижод намуналари асосида бадиий кўргазма ташкил этилган. Бундан ташқари, фан тўгараклари машғулотлари ўғил-қизлар билимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Яқинда дам олувчиларнинг вилоят ижодкорлари билан учрашуви ўтказилди. Миллий урф-одатларимиз, умуминсоний эзгу қадриятларни ёшлар онгига сингдиришда Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказлари ходимлари иштирокида бўлиб ўтаётган давра суҳбатлари асқотмоқда.

Тарбиячи ва етакчилар ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш мақсадида улар ўртасида қизиқарли танлов ва спорт мусобақалари уюштиришмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар бўлими томонидан оромгоҳга 200 минг сўмлик спорт жиҳозлари туҳфа этилди. Касаба уюшма кубоги учун футбол, сузиш, «Қувноқ стартлар», кичик ёшдаги гуруҳлар ўртасида «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари ҳамда волейбол, шоҳмот, шашка турлари бўйича спартакиадалар ўтказилиб, ғолиб жамоалар вилоят кенгашининг совринларини қўлга киритишяпти.

Ҳар бир бола саломатлиги шифокорнинг доимий назорати остида. Туман ИИБнинг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаси назоратчилари уларга турли иллатлар хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар бўлимининг «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари ташаббуси билан ўтказилган тренинг машғулотлари эса болаларни мустақил фикрлашга ўргатишда катта аҳамиятга эга бўлди.

**Г.СУЮНОВА**





### Ёзги соғломлаштириш-юксак масъулият

# КАТТАЛАРНИНГ КИЧИКЛАРГА СОВҒАСИ

***Миронкул қишлоғининг юқорисида, тоғ ёнбағрида жойлашган «Соғлом авлод» болалар оромгоҳи Самарқанддаги энг яхши масканлардан ҳисобланади. У санаторий типида бўлиб, ҳар йили 600 нафардан зиёд бола соғломлаштирилади. Тоғнинг мусаффо ҳавоси, зилол сувлари, оширилган калорияли овқатлантириш болаларнинг соғлиғини тиклашда, жисмоний ва руҳий чиниқтиришда муҳим аҳамиятга эга.***

– Болаларни соғломлаштириш энг зарурий ишлардан биридир. Шунинг учун бу тадбирга «Пахтасаноат» бирлашмаси тизимидаги корхоналарда катта эътибор берилди. Чунки фарзанди соғлом киши унумли меҳнат қилади. Қолаверса, ёш авлоднинг соғлом бўлиши келажакда давлатимизга катта наф келтиради, – дейди «Жумапахтатозалаш» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Мавлон Ғаффоров. – Шу боис бу йил жамиятга тегишли оромгоҳни тайёрлашга катта эътибор қаратдик. Мавсум бошланишидан 20 кун аввал ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди.

Биринчи даврда оромгоҳда 207 нафар бола соғломлаштирилди. Уларнинг 41 нафари экологик вазият мураккаб бўлган Хоразмдан келган. Ҳозир эса 304 бола дам олмоқда. Оромгоҳда барча шароитлар муҳайё этилган. Тўлиқ таъмирдан чиқарилган 5 та ётоқхона биноси қулай ва шинам, озода. Ёзги клуб, кутубхона, спорт майдончаси ҳамиша гавжум. Расм, мусиқа, тикиш-бичиш ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Бунда вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси таъминот базасининг ҳомийлик ёрдами асқотди. Бу йил оромгоҳга янги 200 комплект кўрпа-ёстиқ жилдлари, жиҳозлар, стол-стул, телевизор, музлаткич олиб берилди.

Оромгоҳда махсус тиббиёт мажмуи ишлаб турибди. Бу ерда физиотерапия, массаж, стоматология хоналари мавжуд. Самарқанд шаҳридаги 5-болалар поликлиникасидан жалб этилган шифокор Д.Иброҳимова, ҳамширалар Н.Бобожонова, Д.Эшимоваларнинг хизматидан барча мамнун.

– Ўн тўрт йил шу оромгоҳда тарбиячи бўлиб ишладим. Лекин оромгоҳларни тайёрлашга ҳеч қачон бу йилгидай эътибор берилган эмас, – дейди оромгоҳ бошлиғи Д.Раҳимова. – Илгарилари болаларни қабул қилгандан кейин ҳам айрим камчиликларни тугатиш билан овора бўлардик. Бу йил эса болаларни дам олдириш, соғломлаштириш, билим ва маънавиятини бойитишга кўпроқ вақт ажратяпмиз.

Масканда ҳар куни қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Санъаткорлар, ижодкорлар, шифокорлар билан бўлган суҳбатлар болаларда айниқса катта таассурот қолдирмоқда. Табиат қўйнига саёҳат инсоний фазилатлар шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шеърхонлик, китобхонлик кечалари, «Балли қизлар», «Балли йигитлар», «Энг яхши расм» кўрик-танловлари, «Кулгу ва ҳазил» тадбирлари, спорт беллашувларига болалар жуда фаол қатнашишмоқда. Бундай тадбирларни ташкил қилишда Азиза Рофиева, Феруза Сатторова, Темур Ўрмонов, Петр Зинченко, Раъно Абдуллаева сингари мураббий ва тарбиячиларнинг меҳнати, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги эътиборга молик бўлмоқда. Шунингдек, бу борада вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими, унинг қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигининг самараси катта бўлаяпти.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### Шарҳловчи минбари

## ҚИРҒИЗИСТОНДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

Якшанба куни Қирғизистонда президент сайлови ўтказилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, унда давлат раҳбари вазифасини бажариб келган Қурманбек Бакиев 88,9 фоиз овоз олиб, ғалаба қозонган.

Сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 73 фоизи иштирок этган.

МДҲ кузатувчиларининг фикрича, Қирғизистондаги сиёсий тадбир мамлакат сайлов қонунчилиги доирасида, очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтган. Марказий сайлов комиссиясига сайлов жараёни ва натижасига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида шикоятлар тушмаган.

Сайлов жараёни юзлаб хорижий мутахассислар томонидан кузатиб борилди. Улар орасида БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕХҲТ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар вакиллари ҳам бор.

## ЛЮКСЕМБУРГ УМУМИЙ КОНСТИТУЦИЯНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Якшанба куни Люксембургда Европа Иттифоқининг (ЕИ) умумий конституциясини ратификация қилишга оид референдум ўтказилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, иштирокчиларнинг 56,52 фоизи умумий конституцияни қўллаб-қувватлаган.

Иқтисодий интеграция жараёнини сиёсий соҳага ҳам кўчиришга ҳаракат қилаётган ЕИнинг уринишлари жиддий тўсиқларга дуч келмоқда. Аввалига иттифоққа аъзо мамлакатлар умумий конституция лойиҳасини қабул қилишда узоқ вақт бир тўхтамга келолмади. Ниҳоят, лойиҳа тасдиқланиб, ҳамма гап унинг ратификациясида қолганди. Иқтисодий бирлашувнинг барча талабларини бажариб бўлган «кўҳна дунё»нинг ривожланиш йўлидан олға силжиши учун сиёсий интеграциядан ўзга йўл йўқлигини барча аъзолар тушуниб турган бўлса-да, энг масъулиятли дам - умумий бош қонунни ратификация қилиш пайти келганида томонлар яна якдилликни йўқотди. Тўғри, яқин-яқингача айрим иттифоқ аъзолари ҳеч иккиланмасдан уни бирма-бир тасдиқлаб келди. Аммо май ойида Францияда, июнда эса Нидерландияда ўтказилган референдум натижалари ЕИ аъзоларини шошириб қўйди.

Францияда аҳолининг 55 фоизи, Нидерландияда эса 63 фоизи ратификацияни ёқламади. Бу ҳолат иттифоқ тарихидаги энг йирик сиёсий инқирозлардан бири сифатида баҳоланди. Лекин Люксембург аҳолисининг хоҳиш-иродаси Франция ва Нидерландиядаги мағлубиятдан сўнг анча чўкиб қолган «кўҳна дунё»нинг руҳини бир қадар кўтаргандек бўлди.

Ҳисоб китобларга кўра, Люксембург ЕИ аъзолари ичида умумий конституцияни маъқуллаган ўн учинчи мамлакат бўлди. Булардан фақат Люксембург ва Испанияда конституция референдум йўли билан, қолганларида эса парламент тасдиғи билан ратификация қилинди.

Люксембург бош вазири Жан-Клод Юнкернинг таъкидлашича, янги натижа умумий конституция борасидаги баҳс-мунозараларни бироз юмшатди. Люксембургда ҳам қўшни давлатлардаги каби натижа кузатилганида эди, масала янада чигаллашиб кетар ва бош вазир истеъфо беришга мажбур бўларди. Шу боис у ЕИ келажагига билдирилган ишонч учун сайловчиларга миннатдорлик изҳор қилди.

Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу ва ЕИга раислик қилаётган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр иттифоқ аъзоларини Люксембургдаги ғалаба билан табриклади.

Айни пайтда ЕИ ратификация муддатини 2007 йилнинг охирига қадар узайтиришга қарор қилган. Шу боис Буюк Британия, Ирландия, Полша, Финляндия, Швеция, Дания ва Португалия умумий конституцияни ратификация қилишни муайян муддатга кечиктирди.

**(ЎзА)**

